

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ
МАРКАЗИ

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида
ёғингарчиликни кўп миқдорда бўлиши ҳамда ҳаво хароратини
пасайиш ҳолатлари кузатилганда ғалла парваришида амалга
ошириладиган агротехник тадбирлар бўйича

ТАВСИЯЛАР

Тошкент – 2022 йил

**Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида март ойида
ёғингарчиликни кўп миқдорда бўлиши ҳамда ҳаво ҳароратини пасайиш
ҳолатлари кузатилганда ғалла парваришида амалга ошириладиган
агротехник тадбирлар бўйича**

ТАВСИЯЛАР

Республикада иқлимнинг кескин ўзгариши, қиш фаслининг қуруқ-совуқ келиши, феврал ойининг охириги ўн кунлиги ва март ойининг II,III-декадаларида ёғингарчилик кўп бўлиши, март ойининг охириги ўн кунлигида ҳавонинг кескин совиши ғаллани ўсиб ривожланишини бир оз кечиктирмоқда.

Бунинг натижасида белгиланган агротехник тадбирларни ўтказиш яъни, ғаллани озиклантириш, бегона ўт ҳамда касалликларга қарши кураш чораларини мақбул муддатларда амалга ошириш имкониятлари кечикмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати берган маълумотига кўра, жорий йилнинг 17-20 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Эрондан илиқ ва нам ҳаво, сўнгра Волга бўйи ҳудудларидан совуқ ҳаво массаси кириб келиши кутилмоқда.

Унга кўра, 21-23 март кунларида республика ҳудудининг катта қисмида вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. 22 мартда шимолий минтақларда ёмғир қисқа муддатга қорга айланиши ҳамда ҳароратнинг кескин пасайиши, кучли ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда.

Баҳор ойларини серёғин, ҳаво ҳароратини паст бўлиши ғаллазорларда замбуруғлик касалликлар, зараркунанда хашоратлар ва бегона ўтлар кенг тарқалиши кўп йиллик тажрибаларда кузатилган.

Ёғингарчилик кўп кузатилган даврда ғаллазорларда узоқ йиллардан бўён сақланиб келаётган бегона ўтларнинг уруғлари униб чиқиши ҳамда бегона ўтларнинг турлари кенг тарқалиши кузатилади. Ғаллазорларда энг катта зарар келтирувчи бир йиллик бир паллали бошоқли бегона ўтлар ёввойи сули, райгрес, тулки дум каби бегона ўтлар кўп зарар келтиради.

Республикада экилаётган кузги буғдой навларини барчаси совуққа чидамли бўлиб, Краснодар ўлкасидан келтирилиб экилаётган навлар ҳам бизни шароитимизда барча синовлардан ўтказилиб, экишга рухсат этилган. Экилаётган бошоқли дон экинларини 60 фоиз майдонида Краснодар селекциясига мансуб ҳамда 40 фоизда иссиққа ва совуққа чидамли маҳаллий кузги буғдой навлари экиб парваришланмоқда.

Краснодар селекциясига мансуб аксарият навлари ўсимликни туплаш фазасида -17-20⁰ С гача совуққа чидамли навлар ҳисобланади. Ушбу навлар

найчалаш фазасига 10-15 фоиз ўтганда совуққа чидамлилиги бироз пасайиб, -8-10⁰С гача совуққа чидамликни намоён қилади ва қисқа муддатли совуқдан зарарланиши кузатилмайди. Аммо ушбу ғалла майдонларида касаллик, зараркунанда хашоратларни ҳамда бегона ўтларни кўп тарқалиши мумкин.

Республикамизнинг шимолий минтақаси Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида эрта муддатларда 10-сентябргача экилган эртаки ғалла навлари ҳозирда тўла найчалаш фазасига ўтган бўлиб, ҳаво ҳароратини кескин пасайишида фақат бош поянинг қисман зарарланиши кўзатилиши мумкин, лекин 4-5 тадан ҳосил бўлган ён поялар зарарланмайди. Бундай иқлим шароити кузатилганда биринчи навбатда 1-5 апрелгача азотли ўғитлар баҳорги иккинчи озиклантириш ишларини амалга ошириш. Минтақанинг иқлим шароитидан келиб чиқиб 25-30 апрелга қадар азотли ўғитлар билан баҳорги 3-озиклантириш ишларини амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Баҳор ойларида иқлимнинг совуқ ва сер ёғин келган йилларда шимолий минтақларда тупроқнинг ҳароратини мўтадилаштириш учун ғалла майдонларида гектарига 5-10 тонна чириган маҳаллий ўғитларни олиб чиқиб сепиш ҳамда ҳар бир суғориш ишларини маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида суғориш тавсия этилади.

Қорақолпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида ва чўл ҳудудларида ҳароратни -2-6⁰ С ҳамда Қорақолпоғистон республикасининг шимолий минтақалари Қораўзак, Мўйноқ, Тахтакўпир, Қунғирот, Чимбой туманларида 21-23 март кунлари кутилаётган ҳароратни -2-5⁰ С гача совиши эрта экилган, ўсимлик бўйи 15-20 см бўлган майдонлардаги ўсимликни бош поялари совуқдан қисман зарарланиши мумкин, лекин 4-5 тадан ҳосил бўлган ён поялар (туплар) зарарланмайди.

Республикада об-ҳаво серёғин ҳамда ҳаво ҳароратини пасайиши кузатилганда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

1. Сизот сувлари чуқур жойлашган, тошлоқ, қумоқ майдонларда ғаллани навбатдаги азотли ўғитлар билан ёмғир ёғаётган бўлишига қарамасдан қўл кучида озиклантириб, суғоришни шарбат усулида амалга оширилиши натижасида ғалла майдонида микро-иқлим ҳосил қилинади. Бу эса ўз навбатида ниҳолларни қисқа муддатли совуққа чидамлигини оширади.

2. Ғаллани барг орқали суспензия усулида озиклантириш ўсув даври давомида 3-4 марта амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини бериш тажрибаларда ўз исботини топган. Бунда, гумин кислоталарга бой бўлган, макро ва микро элементлар билан бойитилган биоўғитлар билан озиклантириш тавсия этилади. Биоўғит препаратлардан Гео-Гумат 1 л/га,

УзГуми, Гумимакс 0.5 л/га, Агрозим, Байкал-М, Кристалон яра (NPK) ва бошқа биоўғитлар билан белгиланган меъёрларда ишлов бериш ўзининг ижобий натижасини беради.

3. Замбуруғли касалликларни тарқалишини олдини олиш ҳамда касаллик кузатиладиган майдонларда қарши кураш чораларини олиб бориш учун Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган қуйдаги кимёвий воситалар билан ишлов бериш тавсия этилади. Таркибида таъсир этиш моддаси Пропиканазол 250 г/л + Ципроконазол ҳамда Тебуконазол 500 г/л бўлган препаратлар билан ишлов бериш тавсия этилади.

4. Ғаллазорларда энг катта зарар келтирувчи бир йиллик бошоқдошлар ойиласига мансуб (ёвойи сули, райгрес, тулки дум) бегона ўтларга қарши ҳаво ҳарорати +17+20⁰С бўлганда, АГРО-ПИК 8% эм.к. 0,3-0,4 л/га, ЭНТОПИК СУПЕР к.э. 0,15 л/га, OXIAL PRO 10% ЕС 1,0 л/га, PROPIC 24% ЕС 0,15 л/га каби гербицидлар билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш тавсия этилади.

5. Ғаллазорларда энг кўп тарқаладиган бир ва кўп йиллик икки палали бегона ўтларга қарши ҳаво ҳарорати +17+20⁰С бўлганда, бир йиллик икки палали бегона ўтларга қарши АЗАНСТАР 75 в.д.г. 20 гр/га ФИНИТО 750 в.д.г. 20 гр/га, Евростар 75% в.д.г. 20 гр/га, Зарстар в.д.г. 20 гр/га, Тристар в.д.г. 20 гр/га, Энтостар в.д.г. 20 гр/га ҳамда кўп йиллик икки палали бегона ўтларга қарши Винстар Плюс 75% в.р.г. 30 гр/га, Энтостар плюс в.д.г. 30 гр/га, Зарстар плюс в.д.г. 30 гр/га. Простар 75% в.д.г. 30 гр/га препаратлар билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш тавсия этилади.

Юқорида келтирилган агротехника чора-тадбирлар республиканинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши бугунги республикада кузатилаётган иқлим ўзгаришларини салбий таъсирини бартараф этади ва ғалладан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга замин яратади.